Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 6 (5. 897) • 1986 йил 8 январь, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

# ИНТЕНСИВЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

## Ўзбекистон ССР меҳнаткашларининг 1986 йилги СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель ва октябрь Пленумлари ишлаб чиққан ҳамда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган йўлни амалда рўёбга чиқаришга ўз ҳиссаларини қўшишга интилиб, 1986 йил учун қуйидаги мажбуриятларни қабул қилдилар.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва такомиллаштириш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш йўли билан халқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги пландан ташқари 1 процент оширилишига ва маҳсулот таннархи 0,5 процент арзонлаштирилишига эришилади. Ёқилғи, энергия, хом ашё ва материалларга бўлган эҳтиёж ўсишининг 70 процентга қадари уларни тежаш ҳисобига таъминланади. Маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқитларидан 535 миллион сўмлик буюм тайёрланади.

Партия съезди очиладиган кунгача қўшимча равишда 18 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади, кўкламги дала ишларига тайёргарлик ниҳоясига етказилади.

**Саноатда** маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқлар 0,6 процент ошириб бажарилади. Қўшимча 7 минг тонна нефть, 40 миллион кубометр газ қазиб чиқарилади, 13 минг тонна минерал ўғит, 3 минг тонна пўлат, 100 та трактор ишлаб чиқарилади. Пахтанинг сифатини яхшилаш ва тола чиқишини кўпайтириш ҳисобига пландан ташқари 10 минг тонна тола олинади. Шартнома мажбуриятларининг тўла бажарилишига эришилади.

110 цех, участка ва ишлаб чиқариш комплекс механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади. 130 та поток ва автомат линия, 76 та роботлаштирилган комплекс ишга туширилади. Тор қатор ораларида ишлайдиган кучли тракторларнинг дастлабки саноат туркуми тайёрланади, модернизациялаштирилган пахта териш машинасини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

**Капитал маблағлар самарадорлиги оширилади.** Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмасида, Шўртан газ конида ва Муборак газни қайта ишлаш заводида, Олмалиқ шаҳридаги кон-металлургия комбинати ва химия заводида, Бухоро тўқимачилик комбинатида қувватлар муддатидан илгари ишга туширилади. Корхоналар планда белгиланган муддатлардан илдамроқ реконструкция қилинади. Ерларни мелиорациялаш ва суғориш системаларини реконструкция қилиш ишларининг бажарилиши таъминланади.

РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасида, БАМда ва Ғарбий Сибирь нефть-газ комплекси районларида 51 минг квадрат метр ва зилзиладан шикастланган Қайроққум шаҳрида 20 минг квадрат метр уй-жой барпо этилади, Тюмень областида 50 километрли автомобиль йўли барвақт фойдаланишга топширилади.

**Транспорт ва алоқа иши такомиллаштирилади.** Пландан ташқари 2,6 миллион тонна юк ташиб берилади. Юк ташиш ҳажмининг жами ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланади. Аҳолига транспорт хизмати яхшиланади. Планга қўшимча равишда 4 мингта телефон номери ўрнатилади.

**Агросаноат комплекси ишининг самарадорлиги оширилади** ва қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми 7,1 процент кўпайтирилади. 5 миллион 730 минг тонна пахта, шу жумладан 465 минг тонна ингичка толали пахта етиштирилади, ҳосилнинг камида 60 проценти машиналарда териб олинади. Давлатга бир миллион тонна дон, 1875 минг тонна сабзавот, 610 минг тонна узум, 340 минг тонна ҳўл мева, 655 минг тонна қовун-тарвуз, 168 минг тонна картошка, 870 минг тонна сут, 330 минг тонна мол ва парранда гўшти, 32 минг тонна пилла, 1,2 миллиард дона тухум сотилади.

Мамлакатнинг саноат марказларига 875 минг тонна сабзавот-полиз маҳсулотлари, 205 минг тонна ҳўл мева ва узум, 25 минг тонна қоқи етказиб берилади. Вино ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган узум 40 минг тонна камайтирилади ва у аҳолига сотиш, майиз ва шарбат тайёрлаш учун юборилади. Ёрдамчи хўжаликларда гўшт ва сут етиштириш 20 процент кўпайтирилади.

**Халқ фаровонлигини юксалтиришга оид тадбирлар амалга оширилади.**

Умумий саҳни камида 6900 минг квадрат метр уй-жой, 35,9 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари, 137 минг ўринли мактаблар барпо этилади. 4,2 минг ўринли касалхоналар, ҳар сменада 8,2 минг беморни қабул қила оладиган поликлиникалар ишга туширилади. Соғлом турмуш ва дам олишни қарор топтириш учун кураш кучайтирилади.

Товарлар ва хизматларга оид комплекс программани амалга ошириб, халқ истеъмоли молларининг хиллари кўпайтирилади ва чакана нархларда планга қўшимча равишда 60 миллион сўмлик шундай моллар ишлаб чиқарилади. Қўшимча 640 минг квадрат метр ип газлама ва шойи газлама тўқиб чиқарилади, 100 минг дона ички ва устки трикотаж тайёрланади. «Н» (янгилик) индекси қўйилган ва жуда модали буюмлар ишлаб чиқариш 20 процентга етказилади. Аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш яхшиланади. 59 минг квадрат метрли магазинлар, 66 минг ўринли умумий овқатланиш корхоналари ишга туширилади.

Республика меҳнаткашлари КПСС XXVII съездини юксак муваффақиятлар билан нишонлашга азму қарор қилганлар ва ўн иккинчи беш йиллик бошланғич йили планлари ҳамда социалистик мажбуриятларини бажариш учун бутун кучимизни сарфлаймиз, деб партия ленинчи Марказий Комитетига ваъда берадилар.

**Социалистик мажбуриятлар республиканинг меҳнат коллективларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.**

КПСС XXVII съезди

# Юксак суръат, аниқ маромда ишлайлик!

Коммунистик шанбалик тўлқинлари

## 22 ФЕВРАЛЬ—МЕҲНАТ БАЙРАМИ КУНИ

**Ўзбекистон пойтахтининг корхона ва ташкилотларида яна «Қизил шанбалик» тўлқинлари пайдо бўлди. Маълумки, мамлакатнинг кўпгина корхоналари меҳнат коллективлари ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетига мурожаат қилиб, КПСС XXVII съезди шарафига Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказиш тўғрисида таклиф айтдилар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси томонидан қўллаб-қувватланган бу қимматли ватанпарварлик ташаббуси кенг қанот ёймоқда, республикамизда ва унинг пойтахтида қизғин қўллаб-қувватланмоқда.**

БУГУН

**В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида икки смена орасида бўлган митингда кўп киши қатнашди.** Самолётсозлар 1985 йил ва бутун беш йиллик планларини муваффақиятли адо этдилар, партия XXVII съездига янги меҳнат туҳфалари тайёрлаяптилар. «Биз Буюк починнинг шонли анъаналарига содиқмиз,—деди улар.—Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, партиямиз съезди шарафига уюштириладиган коммунистик шанбаликка чиқиб унумли меҳнат қиламиз. Шу куни ишлаб топган ҳақимизни эса беш йиллик фондига ўтказамиз».

Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводи коллективининг қарори ҳам якдил бўлди: коллектив февралнинг тўртинчи шанбасини мамлакат коммунистлари анжумани шарафига меҳнат байрами деб эълон қилиб, шу куни юксак унум билан ишлаш, 24 жуфт ғилдирак, 20та электродвигатель ва бошқа жами 72 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси митингида ҳам кўп киши қатнашди. Шу куни икки смена мобайнида ҳақ олмай ишлаб, 150 минг сўмликдан ортиқ тикувчилик буюмлари ишлаб чиқаришга аҳд қилинди.

22 февралда коммунистик шанбалик ўтказиш истагини «Ташсельмаш» машинасозлари, кабелчилар, «Миконд»нинг приборсозлари, «Малика» трикотажчилари, Сергели мебелчилари, 2-пойафзал фабрикаси ишчилари, 159-трест қурувчилари, 2-автокомбинат транспортчилари ва шаҳардаги бошқа кўпгина коллективлар ҳам изҳор этдилар.

Юксак ватанпарварлик бурчларига содиқ бўлган тошкентликлар февраль коммунистик шанбалигини ўтказиш билан съездолди мажбуриятларини, шаҳарни 1986 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишга тайёрдирлар.

## ИЛҒОРЛАР НАМУНАСИ

**Тошкент абразив комбинати коллективи ўтган йил план-топшириқларини муваффақиятли адо этди. Бу ерда янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, хом ашё ва ишчи резервларидан самарали фойдаланиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш эвазига ўн биринчи беш йилликда икки миллион сўмлик маҳсулот планга қўшимча реализация қилинди. Маҳсулот таннархини арзонлаштириш, иқтисод ва тежамкорлик режимини кучайтириш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш корхонага бир миллион сўмлик иқтисодий самара берди.**

**Комбинат коллективи қаторасига олти квартал якунлари бўйича юксак кўрсаткичларга эришгани учун СССР Станоксозлик саноати министрлиги ва тармоқ ишчилари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Янги йил арафасида 200 дан ортиқ киши беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Ҳар бир сўмлик товар маҳсулот учун сарф-харажат 15 процентга арзонлашди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 40 проценти Давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда.**

**«КПСС XXVII съездига—27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида бошланган социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдира бориб, коллектив энг яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Корхонанинг коммунистик меҳнат зарбдори деган номга эга бўлган 322 ишчиси бу мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Улар смена топшириқларини барча кўрсаткичлар бўйича адо этиб, кўпчиликка намуна бўлишаяпти.**

**Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ яхши натижаларни қўлга кирита бошлаган бу коллектив биринчи квартал планини муддатидан илгари адо этиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.**

## ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИДА

Область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда комиссия раиси А. Н. Кудинов 1985 йилда бажарилган ишлар якуни ҳақида ахборот берди.

Комиссия область XXII партия конференциясига ревизия комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама этди ва тасдиқлади.

Бир қатор комиссия аъзоларининг ўз бурчларини қандай бажараётганликлари юзасидан ахборотлари тингланди.

И. И. Ли ишда жиддий камчиликларга йўл қўйганлиги учун область партия ташкилоти ревизия комиссияси составидан чиқарилди.

XXII Тошкент область партия конференцияси делегати



# МЕҲНАТ КИШИНИ УЛУҒЛАЙДИ

Ташаббускорлик... Бу хислат меҳнат кишисига қанот бағишлайди. У бургут каби юксак чўққиларни кўзлайди, янги меҳнат уфқларини забт этади.

Исмоил Орипов ҳам ўзининг ана шу хислати билан бошқалардан ажралиб туради. У қаерда ва қачон меҳнат қилмасин, зўр иштиёқ ва ташаббус билан ишлайди. Ўтган беш йилликда «Беш кунлик топшириқ —тўрт кунда» ташаббусини ўртага ташлаган эди. Бригада аъзолари бу янгиликни бир овоздан қўллаб-қувватлашди. Шу тариқа янги ташаббус бригаданинг доимий шиорига айланди.

Халқимиз «Тома-тома кўл бўлар» деб бежиз айтмаган. Коллективнинг меҳнат самараси чакки бўлмади. Ориповчилар ўн биринчи беш йилликнинг уч йилу тўққиз ойида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажаришиб, беш йиллик планни уддалаганликлари тўғрисида ғалаба рапорти бердилар.

Муваффақиятлар кишига қанот бағишлаши турган гап. Бригада қўлга киритган муваффақиятларини мустаҳкамлаш, уни янада кўпайтириш мақсадида съездолди зарбдор вахтасида чинакам меҳнат фидокорлигини намойиш этмоқда. Съездолди партия ҳужжатларини қизғин муҳокама қилган ва ундан илҳомланган коллектив янги беш йилликнинг дастлабки йилини ҳам юксак суръат билан бошлади. Биринчи кунларданоқ бригада қўлга киритаётган кўрсаткич 150 процентдан пастга тушмаётир.

— Муваффақиятларнинг сири яна нимада?—дея қизиқиб сўрадик бригада аъзоларидан.

— Ташаббус, изланиш, иштиёқ билан меҳнат қилишда, — дейишди бетончилар бир овоздан. Сўнгра қўшиб қўйишди, бригадиримиз азамат йигит. Очиққўнгил, самимий, жонкуяр ва талабчан...

Ҳа, бу хислат фақат бригадирнинггина эмас коллективнинг жами тўққиз аъзосига сингиб кетган. Улар икки-уч хил касбларни пухта эгаллаб олишган. Р. Аҳмедов, А. Муртазин, Т. Бозорбоев М. Родамонов каби бетончилар тиғиз дамларда бетончилик ҳам, қолипчилик ҳам, операторлик ҳам, кранчилик ҳам қилишаверади. Бошқача айтганда, ҳар қандай вазиятда ҳам иш тўхтамайди, у конвейердек давом этаверади.

Ютуқларга эришишда яна бир муҳим омилни айтмасдан бўлмайди. Бу участка меҳнат коэффициентини ҳисобга олган ҳолда узлуксиз бригада пудрати методи асосида ишлашдир. Исмоил Холматович бригадаси бу метод асосида ишлашга «Главташкентстрой»нинг 1-уйсозлик комбинатида биринчилар қатори ўтган эди. Ўтган йиллар мобайнида бу усулнинг афзалликлари яққол намоён бўлди. Ўтган беш йилликда Исмоил Холматович Орипов бригадаси шунча бетон-панель тайёрлаб бердики, бу панеллардан ўн тўрт минг кишига мўлжалланган уй-жой қуриш мумкин.

Айни пайтда бригада КПСС XXVII съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини, XXII область партия конференциясини меҳнатда муносиб армуғонлар билан кутиб олиш учун барча резервларни ишга солмоқда.

Меҳнат кишини улуғлайди. Исмоил Ориповнинг кўп йиллик меҳнати коллектив, партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. У меҳнатдаги эришган юксак кўрсаткичлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати деган юксак шарафга сазовор бўлган. Мана, унга яна бир катта ишонч билдирилди. Коммунистлар бир овоздан унинг номзодини XXII Тошкент область партия конференциясига делегат қилиб сайлашди.

**Т. ТОШЕВ.**

**СУРАТДА: 1-уйсозлик комбинати бетончилар бригадаси бошлиғи И. Орипов.**

**Т. Каримов** фотоси.

# ХОРЕОГРАФИК КОМПОЗИЦИЯ

Тошкент область касаба союзлари Советининг маданият бўлими ташаббуси билан КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди шарафига «Фан ва меҳнат иттифоқи» вокал-хореографик композициясини тайёрлашга киришилди.

Олти минут давом этадиган бу катта рақс томошасида 400 ижрочи қатнашади. Композициянинг режиссёр-постановкачиси, Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Ислом Иброҳимович Исмоилов янги саҳна асари ҳақида бундай деди:

— Биз санъат ва маданият ходимлари партиямизнинг тинчликсевар сиёсатини тараннум этиш, фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш учун курашни намойиш этиш мақсадида шу катта рақс томошасини тайёрлаётирмиз.

Унда республика хореография билим юрти, Островский номли театр ва рассомчилик институти талабалари, электрон-техника заводи маданият клубининг ҳаваскорлари қатнашмоқдалар. Саҳна асари учун Аваз Мансуров музика басталади. Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик опера ва балет театрининг симфоник оркестри маҳоратимизни намойиш этишда бизга яқиндан ёрдам беряпти.

## ТЕАТР ХАЙРЛИ ХИЗМАТДА

Ўзбекистон Театр жамияти президиуми ва Фрунзе райони маданият бўлими ҳамкорликда «Театр тинчлик иши учун курашда» мавзуида кеча ташкил этдилар.

Фрунзе районидаги маҳаллалар аҳолиси учун ўтказилган бу тадбир барчага манзур бўлди. Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрининг бир группа санъаткорлари кечанинг меҳмони бўлдилар. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Обид Толипов, Манзура Ҳамидова, Воҳид Қодиров, Муҳаббат Йўлдошева, республикада хизмат кўрсатган артистлар Гулчеҳра ва Лутфулла Саъдуллаевлар ва бир қатор артистлар кеча иштирокчилари учун тинчлик руҳи билан суғорилган саҳна асарларидан парчалар ижро этдилар.

Санъат янгилиги

## ДОИРАНИНГ СЕҲРЛИ ЖОЗИБАСИ

Таниқли доирачи Қаҳрамон Дадаевнинг ижодий камолотида Ленин номли республика пионер ва ўқувчилар саройи алоҳида ўрин тутади. Эндиликда Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати фахрли унвонларига эга бўлган санъаткорнинг илк ижрочилик маҳорати шу севимли даргоҳда қанот ёзди.

Йиллар ўтди. Лекин у ҳамон шу қадрдон сарой билан яқин ижодий алоқада. Болалар масканида муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ёш доирачилар ансамбли атоқли артистнинг амалий ёрдамидан мамнун.

Ўзига хос мактаб яратган моҳир доирачи болалар ансамбли билан биргаликда ўзбек халқ тароналари туркумидан «Қўқонча» номерини тайёрлади. Миллий оҳанг усулларига бой бу куй ёш доирачилар ижросида жозибали янграмоқда.

«Қўқонча» номери саройнинг ярим асрлик юбилейига бағишлаб ҳозирланган байрам концерти программасига киритилди. Унда устоз артистнинг ўзи ҳам етакчи доирачи сифатида қатнашди.

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **ЛИССАБОН**

26 январь куни бўладиган президент сайловида демократик кучларнинг ягона номзоди ғалабасини таъминлаш керак — Португалия Коммунистик партиясининг миллий конференциясининг қатнашчилари ана шундай вазифани белгилаб қўйдилар.

ПКП Бош секретари А. Куньял конференция делегатлари ҳузурида сўзга чиқиб, сайловнинг мамлакат сиёсий келажаги учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди. Португалиянинг социал-иқтисодий ва сиёсий эволюцияси, революция зафарларининг тақдири ана шу сайлов натижаларига боғлиқдир, деди у.

Конференция қатнашчилари якдиллик билан қабул қилган сиёсий резолюцияда ўнг доиралар вакилларига қақшатғич зарба бериш зарурлиги уқтириб ўтилади.

◆ **НЬЮ-ЙОРК**

Оклахома штатидаги уранни қайта ишлаш заводида юз берган авария натижасида юздан ортиқ киши касалхонага ётқизилди, деб хабар қилади ЮПИ агентлиги. Ишчилардан бири — 25 яшар Жеймс Харрисон — радиоактив газдан заҳарланиб ҳалок бўлди. Илгари хабар қилинганидек, «Керр-макги» корпорациясига қарашли бу корхонада таркибида уран бўлган кислота сақланадиган 14 тонналик пўлат цилиндр шанба куни портлаб кетган. Натижада одамлар жабр кўрди, атроф радиоактив моддалар билан зарарланди. Полиция яқин атрофдаги тош йўлларни тўсиб қўйди. Корхона ёпилиб, ишчилар кўчирилди. Махсус отрядлар завод территорияси ва унинг атрофини зарарсизлантириш ишларини бажармоқда. Авария сабаблари маълум қилинмаяпти.

◆ **ПАРИЖ**

Франция аэропортларининг диспетчерлари бугун ярим кечада 24 соатлик умуммиллий забастовка эълон қилдилар. Касаба союзларининг даъватига мувофиқ улар пенсия таъминоти яхшиланишини талаб қилиб, ишни тўхтатдилар. Ҳозир уларга адолатсиз системага мувофиқ пенсия тайинланмоқда ва оқибатда пенсия миқдори кам бўлмоқда. Диспетчерлар ўзларининг ҳақли талаблари қондирилишига уриниб, сўнги беш ой ичида учинчи марта ишни тўхтатиб қўйдилар.

◆ **ОСЛО**

НАТО қўмондонлиги блокнинг шимолий қанотида навбатдаги милитаристик намойиш ўтказишни режалаштирмоқда. Норвегия телеграф бюросининг хабарига қараганда, шу йилнинг март ойи ўрталарида Норвегиянинг шимолий вилояти Тромс ва унинг атрофидаги денгиз районларида «Анкер экспресс-86» шартли ном билан НАТОнинг машқлари ўтказилади. Бу машқларда НАТО мамлакатларидан 20 мингга яқин ҳарбий хизматчи, кўп миқдордаги жанговар кемалар, самолётлар, танклар ва бошқа ҳарбий техника қатнашади.

(ТАСС).

